



Иш ўринлари яратиш

ва аҳоли бандлигини таъминлаш
— долзарб вазифа

ЎЗДП: электротармоқ



Банд бўлмаган аҳоли, айниқса, биринчи марта меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни иш билан таъминлашга, ҳудудлар ва иқтисодий тармоқларида ишчи кучига бўлган талабни қондиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Келгуси йилда 7 асосий йўналишда 983,6 мингта иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган. Хусусан, касб-ҳунар коллежларининг 500 мингга яқин битирувчисини иш билан таъминлаш вазифаси қўйилган.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

клиникасининг янги биноси фойдаланишга топширилди

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда сўзга чиққан Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов ва бошқалар мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидлашди.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида тиббиёт тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар туфайли аҳолига педиатрия хизматлари кўрсатиш кўлами ва сифати янада кенгаймоқда. Бу масканда жаҳон тиббиётининг илғор услубларидан кенг фойдаланилган ҳолда болаларга самарали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Мутасаддиларнинг қайд этишича, мазкур муассасанинг уч қаватли янги даволаш биноси педиатрия йўналишида фойдаланиладиган замонавий техника ва технологиялар билан таъминланган. Унда гўдақлар, пульмонология, неврология ва кардиоревматология бўлимлари ўрин олган.

Соғлом бола йили арасида фойдаланишга топширилган даволаш муассасаси фарзандларимизга кўрсатилётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини янада ошириш, диагностика ва даволашнинг юксак технологияларини ўзлаштириш, болалар саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

Обод бўлаётган «Богобод»

Қарши туманидаги Богобод гузарига жорий йил намунавий лойиҳа асосида 59 та уй-жой қурилди. Уларни бунёд этишда 6 та ташкилотнинг 300 нафар курувчиси иштирок этди.

Ушбу янги гузарда келгуси йили спорт майдончаси ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари барпо этиш кўзда тутилган. Бу богободнинг янада обод ва гўзал масканлардан бирига айлантиради.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бахт уйидаги бахтли онлар

Самарқанд вилоятининг Ургут туманида янги, замонавий «Бахт уйи» фойдаланишга топширилди. «Ургут сифат» корхонаси томонидан 538 миллион сўм маблағ эвазига бунёд этилган ушбу қошада никоҳ маросимларини қайд этиш зали, «Оила дорилфунуни», ҳужжатлар сақлаш ва бошқа хоналар мавжуд.

— Мана шундай муҳташам бинода биринчи бўлиб никоҳимиз қайд этилди, — дейди Саъдулло Усмонов. — Бу ҳаётимизнинг энг тарихий қунаридан бири бўлиб қолади.

Абдували ХУДОЁЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Васийлик ва ҳомийлик институти такомиллаштирилиши

жамиятда эътибор ва ғамхўрлик янада кучайишига хизмат қилади

Ҳаёт тасодифларга тўла. Бир кунда ота-она меҳридан бебаҳра қолаётган ёки бахтсиз ҳодисалар туфайли жисмоний имконияти чекланаётган болалар, афсуски, учраб туради. Мана шундай бир вазиятда уларни қариндошлари, яқинлари ўз қарамоғига олади. Аммо бу болаларнинг барча ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари, авваламбор, амалдаги қонун ҳужжатлари билан тўла-тўқис ҳимоя қилинади.

Ижтимоий ҳимоя

Мустақиллик йилларида қонунчилигимизда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, васийлик ва ҳомийликка муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган меъёрлар янада такомиллаштирилди. Яқинда Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Қонун бу борадаги муносабатларни юқори босқичга, халқаро меъёрлар даражасига олиб чиқиши билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш кераки, «Васийлик ва ҳомийлик тўғри-

сида»ги қонунда белгиланган энг муҳим жиҳат — бу васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахслар, жумладан, етим, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, муомала лаёқати чекланган, соғлиги туфайли ҳомийликка муҳтож шахсларнинг қисқа фурсат ичида давлат ҳимоясига олинишидир. Демак, мамлакатимизда бирорта ҳам бола ёки ҳомийликка муҳтож бўлган шахс ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди.

3

Депутатлик гуруҳлари — электротармоқ

Сиёсий партия ўз дастурий мақсадларини асосан давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайланган депутатлари орқали амалга оширади. Депутатлари ташаббускор, ўз ваколатидан самарали фойдалана оладиган партиянинг сайловолди дастури, ғоялари изчил амалга ошади. Акс ҳолда, берилган ваъдалар қуруқ гапдан иборат бўлиб қолаверади.

Партиянинг сайловолди дастури

депутатлар ташаббуслари орқали ҳаётда ўз ифодасини топмоқда

Шунинг учун ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг фаоллигини оширишга, шу орқали аҳолининг қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Депутатлик гуруҳлари долзарб ижтимоий масалаларни ўрганиш ҳамда ечимини топишда партия кенгашлари билан мустаҳкам алоқада иш олиб бораёпти.

Биргина 2013 йилда депутатлик гуруҳлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами манфаати билан боғлиқ 16 та масала маҳаллий Кенгашлар сессияларида, 60 га яқин масала доимий комиссияларда муҳокама этилиши ва тегишли қарорлар қабул қилинишига эришди.

2

Инсонпарварлик тамойиллари асосида

Мамлакатимиз Конституциясида инсон манфаати, ҳуқуқи, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият экани белгилаб қўйилган. Инсонпарварлик давлатимиз сиёсатининг асосий тамойилларидан ҳисобланади. Бош Қомусимиз муқаддимасида ҳам инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш масаласи алоҳида кўрсатилган.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси

барча даражадаги депутатлик гуруҳларининг фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш орқали аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, хотин-қизлар ва ёшлар, айниқса, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш самарадорлигига эришиш учун курашади.

Келгуси сонларда:

ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди.

Тадбир иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари билан газетамизнинг келгуси сонларидан бирида танишасиз.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳисоботини эшитиш

амалиётдан янада кенгроқ фойдаланиш зарур




O'ZBEKISTON OVOZI

— хилма-хил фикрлар минбари,

СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Иш ўринлари яратиш

ва аҳоли бандлигини таъминлаш — долзарб вазифа



(ЎзА) олган суратлар

Олий Мажлис Сенатининг жорий йил 12-13 декабрь кунлари бўлиб ўтган ўн учинчи ялпи мажлисида мамлакатимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Улардан бири «2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»дир.

Олий Мажлис Сенатида дастур ҳудудлар кесими бўйича ҳам муҳокамадан ўтказилганидан сўнг маъқулланмоқда. Кўриниб турганидек, мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича бевосита парламент иштироки ва унинг назорати асосланган изчил тизим яратилган. Ўтган йиллар давомида бу тизим ўзининг тўғри ва ҳаётий эканини кўрсатди. Шунинг учун мамлакатимизда бандлик дастурини ҳар томонлама пухта тайёрлашга, энг муҳими, унинг ижро механизмини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Мазкур дастур ижросидан аҳолининг ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами манфаатдор бўлгани туфайли Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси бу борада парламент назоратини изчил йўлга қўйиш учун қатор ташаббуслар билан чиқмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари билан биргаликда дастурнинг ҳар бир ҳудудда тўлиқ бажарилишига эришишда фаоллик кўрсатмоқда.

Мазкур жараёнда ҳудудлар ва тармоқларда иш ўринлари яратиш юзасидан йўл қўйилаётган камчиликлар, меҳнат муносабатларини ижтимоий-иқтисодий ислохотларга мувофиқ равишда ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш масалалари атрофлича таҳлил қилинапти, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги қўшимча имкониятлар ўрганиляпти, қўллаб ҳаётий тақлифлар илгари сурилиб, уларни амалга ошириш чоралари кўриляпти.

ЎзХДП фракцияси парламент назоратини янада такомиллаштириш мақсадида дастур ижроси бўйича парламент эшитувларини мунтазам ташкил этиб келмоқда. Хусусан, 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштиришга бағишланган парламент эшитишда масала атрофлича муҳокама қилиниб, аниқ ва самарали чора-тадбирлар белгиланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Фракция аъзоларининг таъкидлашича, коллежни тамомлаган йигит-қизлар қаерда, қандай шароитда иш бошлаши уларнинг меҳнатга, ҳаётга муносабати шаклланишида муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳукумат томонидан мутасадди вазирликлар ва маҳаллий ҳокимликларнинг масъулияти оширилиши, парламент томонидан уларнинг фаолиятига ҳолис баҳо берилиши, ёшларнинг шижоати қўллаб-қувватланиб, рағбатлантириладиган муҳит яратилиши зарур.

Аммо айрим ҳудудларда бу масалага жиддий эътибор берилмапти. 2013 йил учун тасдиқланган дастур ижроси жо-

рий йилнинг биринчи чорагида 6 та, иккинчи чорагида 4 та туманда бажарилмаган. Депутатлар эса бунга аксарият ҳолларда ер ажратиш, тижорат банкларида кредитлар олиш, хомашё таъминоти, коммуникация тармоқларида улашиш муаммолари ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар томонидан ўз вақтида ҳал қилиб берилмаётгани сабаб бўлаётганини таъкидлашмоқда.

Парламент муҳокамалари натижаларига кўра, дастур ижросидаги сусткашлик ва камчиликларни бартараф этиш, келгусида тақдорланишига йўл қўймаслик мақсадида ҳукуматга қатор тақлифлар киритилди. ЎзХДП фракцияси аъзоларининг таъкидлашича, мазкур тақлифлар 2014 йил учун дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда инobatга олинган.

Ҳукумат томонидан киритилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинган 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури Олий Мажлис Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисида маъқулланди. Унда банд бўлмаган аҳоли, айниқса, биринчи марта меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни иш билан таъминлашга, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларида ишчи кучига бўлган талабни қондиришга алоҳида эътибор қаратилган. Келгуси йилда 7 асосий йўналишда 983,6 мингта иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган. Хусусан, касб-ҳунар коллежларининг 500 мингта ақин битирувчисини иш билан таъминлаш вазифаси қўйилган.

Дастурга коллежлар битирувчиларини ишга жойлаштиришга доир алоҳида бўлим киритилди. Унга кўра, битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳар бўйича махсус комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиладиган, уларни амалга оширишда мутасадди вазирликлар, ҳокимликлар ва корхона-ташкilotлар ҳамкорликда иштирок этади. Бу жараёнда коллеж битирувчиларини ишга қабул қилаётган кичик корхоналар учун белгиланган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш, иш берувчилар масъулиятини ошириш мақсадида меҳнат қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ижросини таъминлаш, ўз ишини очиб истагидаги ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш катта аҳамиятга эгадир.

ЎзХДП фракцияси аъзоларининг фикрича, дастур тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш ҳамда инвестиция дастурлари билан, энг муҳими, минглаб ёшлар, аёллар тақдирини билан узвий боғлиқ бўлгани учун унинг ижроси парламент қўйи палатасининг қўмиталарида, барча фракцияларда (депутатлик гуруҳлари) атрофлича кўриб чиқилиши — долзарб масала. Парламент назорати изчиллигида бунинг аҳамияти катта.

Шу ўринда бандлик дастури ҳудудларда тўлиқ ва бекама-кўст ижро қилиниши қўп жиҳатдан Қонунчилик палатаси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг қатъият ва фаоллигига боғлиқ бўлаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Дастур ижроси ижтимоий вазиятнинг янада барқарорлашишига хизмат қилади. Шу сабабли ҳам бу вазифага катта масъулият билан ёндашиш талаб этилади.

Тўлқин ТўРАХОНОВ

Мамлакатимизда Конституциямиз асосида инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан бевосита боғлиқ бўлган 120 дан зиёд қонун қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, кейинги йилларда парламентнинг инсон ҳуқуқлари ҳимояси борасидаги роли янада ошди.

Инсонпарварлик тамайилари асосида



Дилором
АБДУРАХИМОВА,
ЎзХДП Наманган
вилоят кенгаши
раиси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирми бери йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги қарори қабул қилиниши ҳам инсонпарварлик сиёсатининг ёрқин намунаси, мазкур тамайил ҳаёти-мида тобора чуқур ифода топаётганининг яна бир аққол далилидир.

Мамлакатимизда Конституциямиз асосида инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан бевосита боғлиқ бўлган 120 дан зиёд қонун қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, кейинги йилларда парламентнинг инсон ҳуқуқлари ҳимояси борасидаги роли янада ошди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдирномасига мувофиқ амнистия тўғрисидаги ҳужжатни қабул қилиш ҳуқуқи Сенатнинг мутлақ ваколатига берилгани ҳам инсон ҳуқуқи ва манфаати ҳимоясини таъминлашда парламент иштирокини янада кенгайтирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қабул қилган навбатдаги амнистия акти асосида аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлат фуқаролари бўлган маҳкумлар, эҳтиётсизлик оқсидида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий ҳаётга қатъий қараш билан алоқадор бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод этилиши, тайинланган жазо турини енгиб ўтиш билан алмаштириш, ўтالмай қолган жазо муддатининг қисқартирилиши қанчалаб одамларнинг ҳаёти, оиласи тақдирини муҳим аҳамиятга эга. Ахир ота ёки фарзанд оила бағрига қайтганидаги қувончнинг бир тасаввур қилиб қўйилади... Оила изтиробдан, уятдан қутулди. Ота-оналар ташвишдан холи бўлди, елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. Масаланинг ана шу жиҳатларини ҳисобга олиб фикрлайдиган бўлсак, амнистия нафақат муҳим ижтимоий-сиёсий, балки чуқур тарбиявий аҳамиятга ҳам эгаллигини англаймиз.

Шундай экан, партия ташкилотлари, унинг барча даражадаги депутатлари нафақат Сенат қарорининг жойларда ижро этилишини назорат қилишимиз, балки жазодан озод бўлган шахслар тақдирини мисолида уларнинг ўзлари иштирокида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган кенг қўламли тарғибот ишларини олиб боришимиз зарур. Тадбирларимизда озодликнинг буюк неъмат экани, уни ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмаслигини ёшлар онгига чуқур синдириш жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Жазодан озод этилганларни иш билан таъминлаш, ижтимоий фойдали меҳнат билан банд этиш масалаларига айнан бизнинг партиямиз алоҳида эътибор қаратиши лозим. Чунки, қамоқдан озод этилганлар ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлади, жамиятга мослашуви қийин кечади. Шу боис уларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш керак бўлади.

Умуман олганда, Олий Мажлис Сенатининг мазкур қарори халқимиз томонидан инсонпарварлик, бағрикенглик тамайилининг юксак намунаси сифатида қабул қилинмоқда. Ҳаёт йўлларини адашган, билиб-билмай жиноят қўчасига кириб қолган кишиларни яна соғлом ҳаётга қайтариш, уларнинг куч ва имкониятларини жамият тараққиёти учун йўналтиришда амнистия улкан аҳамият касб этади.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ЎзХДП: электрат манфаати

Депутатлик гуруҳлари — электрат манфаати ҳимоячиси

Партиянинг сайловолди дастури

депутатлар ташаббуслари орқали ҳаётда ўз ифодасини топмоқда

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар ижроси, мева, сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш, аҳоли томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, манзилли ижтимоий ёрдам тўғрисидаги масалалар, айниқса, долзарб аҳамиятга эгадир.

— 2013 йил давомида вилоятимизда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижроси ҳамда коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш масалалари деярли барча туман ва шаҳарларда ўрганилиб, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари ва сессиялари муҳокамасига киритилди, — дейди **халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Фурқат Хомидов**. — Вилоят Кенгашининг тегишли доимий комиссиясида ушбу масала депутатлик гуруҳимиз ташаббуси билан икки марта кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг 18 апрель куни партиямиз депутатлик гуруҳи та-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

шаббуси билан вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилишида депутатлик гуруҳи аъзолари ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг «Вилоятда 2013 йилнинг январь-май ойларида янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишининг бориши тўғрисида»ги ҳисоботи тингланди.

Доимий комиссия муҳокамасига киритилишидан олдин депутатларимиз ушбу масалани 8 та туман ва шаҳар бўйича ўрганди. Сўнг унинг натижалари йиғилишда тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари иштирокида чуқур таҳлил қилинди. Муҳокама жараёнида дастур ижросига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар берилди.

Масала доимий комиссияда муҳокама этилганидан сўнг, Бешариқ туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Шарифа Азизованинг чорак якуни бўйича ҳисоботи халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида эшитилган. ЎзХДП депутатлик гуруҳи томонидан ўрганилган маълумотда 6 та субъектда 89 та иш ўрни яратилгани кўрсатилган эди. Доимий комиссия қарорининг ижроси сифатида 6 ой якуни бўйи-

ча «Бешариқ текстиль» ОАЖ да 12 та, «Бешариқ омад сутин» МЧЖда 2 та, «Янгиқўрғон Х А авлод» хусусий корхонасида 2 та, «Файз-У» хусусий корхонасида 6 та, «Пўлатхон Солиева» фермер ҳўжалигида 5 та, «Чевар» МЧЖда 5 та касаначи иш ўринлари ташкил этилди.

Сиёсий партияларнинг давлат ва жамият бошқарувини ташкил этиш бўйича ҳуқуқларининг кенгайтириш уларнинг масъулиятини янада оширмоқда. Сиёсий партия ўз Сайловолди дастурини изчил амалга оширмай, электрат манфаатини самарали ҳимоя қилмай туриб, қўзланган мақсадига эриша олмайдиган, албатта.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамияти ривожланиши асосида сиёсий партияларнинг ўз депутатлик гуруҳлари орқали ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий тараққий этиши жараёнида бевосита иштироки кучайиб боради. Депутатлик гуруҳлари ташаббуси асосида мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари тинглангани ҳуқуқни қўллашдаги ижобий натижалардан биридир.

— Биз чуқур англаб етдикки, ҳар қандай масалада депутатлик назорати изчил бўлса, амалий натижага эришилади, — дейди **халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи**

Доимий комиссия муҳокамасига киритилишидан олдин депутатларимиз ушбу масалани 8 та туман ва шаҳар бўйича ўрганди. Сўнг унинг натижалари йиғилишда тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари иштирокида чуқур таҳлил қилинди. Муҳокама жараёнида дастур ижросига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар берилди.

раҳбари **Аҳмаджон Абдуллаев**. — Депутатлик назорати, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳақида гап кетганда, яна бир муҳим масала — ахборот имкониятларидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор бериш керак. Фарғона вилоятида саксондан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатади. Сўнгги икки ойда уларда ЎзХДПдан сайланган депутатлардан атиги 13 нафари чиқиш қилган. Ваҳоланки, маҳаллий оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишнинг аҳамияти катта. Масалан, депутат сиёсий партия вакили сифатида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириши керак. Вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган ишлар, халқ депутатлари Кен-

гашлари қабул қилаётган қарорлар мазмун-моҳиятидан аҳолини чуқурроқ хабардор қилишда ҳам маҳаллий ОАВ имкониятларидан самарали фойдаланиш зарур.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, ислохотларнинг муваффақияти, авваламбор, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксаклиги ҳамда ўз-ўзидан аёни, биринчи навбатда сиёсий партияларнинг етуклик даражасига боғлиқдир.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

Васийлик ва ҳомийлик институти ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ

жамиятда эътибор ва ғамхўрлик янада кучайишига хизмат қилади

Қонунда бу жиҳатлар алоҳида меъёрлар билан мустақамланган. Биринчи навбатда васийлик ва ҳомийликни амалга оширувчи органлар — халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари зиммасига муҳим вазифалар юклатилган. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам қонунда белгиланган тегишли ваколатларни амалга оширади.

Қонунга кўра, васийлик ва ҳомийлик қонунийлик, инсонпарварлик ва меҳр-шафқат каби тамойиллар асосида тайинланади ҳамда амалга оширилади. Қонуннинг энг муҳим хусусияти яна шундаки, унда васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатли органлар ҳамда уларнинг вазифалари аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари 18 ёшга тўлмаган, соғлиқни сақлаш бўлимлари суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари соғлиғи туфайли ҳомийликка муҳтож бўлган муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан васийлик ва

ҳомийлик соҳасидаги вазифаларни бажаради.

Бу ўринда асосий эътибор биринчи навбатда васийлик ёки ҳомийликка муҳтож болаларни қисқа фурсатда давлат ҳимоясига олишга, уларни ишончли қўлларга топшириш ва қўлай шарт-шароитларда тарбияланишини таъминлашга қаратилган.

Васийлик ва ҳомийлик инсон тақдирини, келажагини билан боғлиқ бўлгани боис, бу жараёнда махсус ваколатли органлар билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаол иштирок этиши, ўзаро ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Қонунда белгиланган яна бир муҳим жиҳат — бу барча маълумотларнинг давлат реестрига тақдим этилиши ҳақидаги меъёрдир. Унга мувофиқ, васийлик ва ҳомийлик органлари ҳар ойда васийлик ва ҳомийликка муҳтож бўлган шахсларнинг жойлаштирилиши ва уларнинг мол-мулки тўғрисидаги маълумотларни давлат реестрига тақдим этади. Албатта, васийлик ёки ҳомийликдаги шахс тақдирига бўлган бундай ёндашув улар давлатнинг доимий эътиборида бўлиши, мол-мулки дахлсизлиги таъминланишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда ҳар бир бола қаровсиз қолмайди, ал-



батта. У давлат қарамлигида бўлади ва ўқиб, касб-ҳунар эгаллаши учун барча шароитлар яратиб берилади. Бироқ боланинг оила муҳитида яшаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис қонунда васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг оилага мослашуви, тўғри тарбия олиши, тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш билан боғлиқ муносабатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, қонунга мувофиқ, васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ижтимоий ва психо-

логик мослашувини таъминлаш мақсадида улар яшаётган оилада кузатув олиб борилади. Мазкур кузатувни олиб боришда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда касбий, консултив, юридик, ижтимоий, психологик, тиббий жиҳатлар назарда тутилади. Айтиши керакки, бу жараён бепул амалга оширилади.

Албатта, ота-онасиз қолган бола ёки муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахсларга, энг аввало, давлат чексиз ғамхўрлик

кўрсатади. Бу эса уларнинг жамиятга интеграциялашуви, ўзини ҳимояланган ҳис қилишига хизмат қилади. Унинг кўнглида ёлғизман, ҳеч кимим йўқ, деган ўқинч бўлмайди. У меҳр, ғамхўрлик, эътибор руҳида улғаяди.

Васийлик ва ҳомийлик институтининг такомиллаштирилиши, Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларини амалга ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис ЎзХДПнинг барча даражадаги ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти, ҳаётимиздаги аҳамиятини партия аъзолари, электорат вакиллари орасида кенг тарғиб қилиши, унинг самарали ижро этилишига ҳисса қўиши зарур.

Бу эса меҳр ва ғамхўрликка муҳтож болалар билан олиши, касб танлаши, ҳаётда ўз ўрнини топишига, васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг қонуний манфаатларини таъминланишига хизмат қилади.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Одатда, қобилиятли кишиларда дастлабки муваффақият анча барвақт қўлга киритилади. Буни иқтидорли спортчи, ўн етти ёшли Хилола Бадалова мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Чунки у шотокан-каратэ-до билан астойдил шуғулланаётганлиги боис, эришаётган ютуқлари тобора ортиб бормоқда.

Жаҳон чемпиони бўлмоқчиман...



мис ҳамда инглиз тилларини пухта ўрганишга ҳаракат қилаётган. Қанча кўп тил билсанг, дўстларинг ҳам шунчалик кўп бўлади. Бунга бир неча бор жаҳон чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақаларда қатнашган чоғимда гувоҳ бўлганман. Бундан ташқари, тикиш ва тўқиш ишларини мукаммал ўзлаштириш ниятидаман. Тасвирий санъат эса жону-дилим.

Эътиборли жиҳати, Хилола анъанавий «Тумарис — 2013» республика танлови ғолиби саналади. У мамлакат микросида тўрт юз нафардан зиёд иштирокчи орасида тенгсиз эканлигини намойён этди.

— Спорт аллақачон ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган, — дейди у. — Бундан олти йил илгари илк мартаба шотокан-каратэ-до машғулотига борган эдим. Дастлабки сабоқларни мураббий Темур Мирзоқилловдан олганман. Мамлакат чемпионатларида муваффақиятли иштирок этишимда ва Ўзбекистон терма жамоаси таркибидан жой олишимда у кишининг хизматлари катта. Икки йилдирки, ўз ишининг устаси бўлган мутахассис Хўжамқул Хўжақулов кўл остида халқаро мусобақаларда қатнашиб келаяпман. Мақсадим — жаҳон чемпиони бўлиб, Ўзбекистонимиз шухратига шухрат қўиши.

Хилола Бадалованинг спортда эришаётган ютуқларида унинг оила аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Отаси Турсунбой Бадаловнинг касби — меъмор, онаси Аржуманд Бадалова эса муҳандис-иктисодчи. Ўз вақтида отаси футбол, онаси энгил атлетика билан шуғулланган. Бугун Хилоланинг 14 ёшли укаси ҳам спорт билан шуғулланади.

Бир сўз билан айтганда, Бадаловлар оиласи чинакам спортчилар оиласидир. Спорт бу оила фарзандларининг соғлом ва баркамол бўлиб улғайишига хизмат қилмоқда.

Татьяна КИСТАНОВА

Спорт

ЮКСАК бағрикенглик намунаси

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизими яратилган ҳар бир фуқаронинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилаётганида ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг тақдирномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2013 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йилгирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарор инсонпарварлик тамойилининг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мазкур қарор ижросига бағишлаб ўтказилган идоралардор йилгилишда шулар ҳақида сўз борди.

Йилгилишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг ўринбосари Х.Ҳалимов, Олий суд раисининг биринчи ўринбосари Ш.Ғоиев, ички ишлар вазирининг ўринбосари А.Шодиёв ва бошқалар суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, аввало, инсон манфаатларини таъминлашга, инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва бағрикенглик тамойилларини мустақам қарор топтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган амнистия тўғрисидаги қарордан кўзланган мақсад билиб-билимай жиноят йўлига кириб қолган шахсларни жазодан озод этиш орқали қайта тарбиялаш, уларни соғлом фикр, янгича қарашлар билан жамиятга қайтаришдан иборат. Бундай бағрикенгликдан баҳраманд бўлганлар қайта жиноятга қўл урмасликка, ҳалол меҳнат билан жамият равақига ҳисса қўишга ҳаракат қилади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қарорининг мазмун-моҳияти, унинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар батафсил муҳокама қилинди.

Ушбу амнистия акти очик-ошкоралик тамойиллари асосида қўлланилиши жараёнида жамоатчилик назорати, хусусан, депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминлаш юзасидан зарур чоралар қўрилади. Бу борада сенаторлар, депутатлар, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакилларида иборат ишчи гуруҳлари тузилган.

Амнистияни қўллаш жараёни устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш институтининг шакллантирилгани мамлакатимизнинг демократлаштириш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан нодавлат ташкилотларининг роли ва таъсири тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди масъул ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, суд, прокуратура ва ички ишлар тизимидаги тегишли хизматлар раҳбарлари, жазони ижро этиш муассасалари бошликлари иштирок этган йилгилишда мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда зарур ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни ўз вақтида амалга ошириши зарурлиги қайд этилди.

Йилгилишда жазони ижро этиш жойларидан қайтиши кутилаётган шахсларнинг жамиятга мослашишига кўмаклашиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни рўёбга чиқаришга оид вазифалар белгилаб олинди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ҳамкорлигида матбуот анжумани ўтказилди.

Истеъмолчи ҳуқуқи

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ижрочи директори Акмал Эргашев мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган доимий эътибор ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, у Федерациянинг вилоят ҳудудий бирлашмалари ҳамда туман, шаҳар жамиятлари Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида иш олиб бораётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2001 йил 17 апрелдаги «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги фармонида биноан коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини бозор муносабатларига ўтказиш борасида олиб борилаётган изчил ислохотлар халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Бу борада Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан муайян ишлар бажарилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойи давомида адлия органлари ёрдами билан 1245 муурожаат юзасидан фуқаролар ҳуқуқлари ҳимояси таъминланди. Ўтган давр мобайнида фуқароларнинг манфаатидан келиб чиқиб, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида тегишли идораларга 700 га яқин тақдирнома киритилган бўлиб,

шундан 659 та тақдирноманинг ижроси тўлиқ таъминланган. Бу борада 106 ноконуний ҳужжат бекор қилинди. Фуқаролар манфаатларини кўзлаб, судларга киритилган 2,3 миллиард сўмдан зиёд даъво аризаларнинг аксарияти қаноатлантирилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Федерация ва унинг ҳудудий тузилмаларига истеъмолчилардан 7600 дан ортиқ шикоят ва ариза тушган бўлса, уларнинг 95,1 фоизи ижобий ҳал этилди. Натижада 1 миллиард 976 миллион сўмдан ортиқ моддий ва маънавий зарар истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилинди. Аниқроқ қилиб айтганда, муурожаатларнинг аксарияти, яъни 29,1 фоизи табиий газ таъминоти соҳасига, 14,8 фоизи электр таъминоти, 4,9 фоизи коммунал хизмат кўрсатиш, 3,1 фоизи эса ичимлик суви таъминоти соҳасига тўғри келмоқда.

Матбуот анжуманида истеъмол бозорига сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, коммунал хизмат кўрсатиш тармоқларида учраётган муаммоларни бартараф этиш, бу борада давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлиги ҳамда аҳолининг истеъмол маданиятини янада юксалтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳар бир инсон эъзозда

Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманларида ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини юксалтириш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда Президентимизнинг 2011 йил 30 майда қабул қилинган «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлаётди.

Вилоятдаги ногиронлар учун минтақавий реабилитация марказида барча шарт-шароит яратилган. Бу шифохонада 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида 1130 дан зиёд беморга тиббий хизмат кўрсатилиб, уларнинг саломатлиги тикланди. Шунингдек, ногиронларни протез-ортопедия махсулотлари, ногиронлик аравачалари, эшитиш

мосламалари каби зарур буюмлар билан ўз вақтида таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қонунчилигимизда ногиронларнинг алоҳида тоифаларига имтиёз ва кафолатлар белгиланган бўлиб, улар бундан тўла баҳраманд бўлаётди.

— Шифокорлар кўмағида соғлиғимни тикламоқдаман, — дейди Қўштепа туманидан 2-гуруҳ ногирони Нурали Иброҳимов. — Замонавий тиббий жиҳозлар, қўлай шароит биз каби имконияти чекланган инсонларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига катта ёрдам бермоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

Қарор ва ижро

«ШҲҲҲҲҲҲҲҲ» МАЖМУАСИ ЖАМОАСИ

Янги 2014 йил билан
барча юртдошларимизни қутлайди.

ҲАР БИР ОИЛАГА ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК ТИЛАЙДИ!



Shurton
GAS CHEMICAL COMPLEX

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatandashlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

r — 1246

10247

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 20.45

Topshirilgan vaqti — 02.35

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 5